● СОФИЯ. Болгарияда-ги демократик кучлар итти-фоқига кирган бир қанча оппозициячи партиялар ва-унинг йўлига амал қилувчи маҳаллий мабуот «Болга-рия социалистик партияси-ни СССРда 19-21 август-кунлари рўй берган тўнта-риш ташаббускорлари би-лан алоқадорлиқда» аиб-

лаган эди. Болгария соци-алистларининг раҳбари Алек-сандр Лилев буни рад эт-ди. Бундай гаплар, деди у, журналистлар билан учра-шулда, «социалистларга қарши мафкуравий жиҳат-дан қаттиқ ҳужум қилиш-дан» бошқа нарса эмас. Аф-суски, бундай бўхтолар мамлакат асосий сиёсий қумраларини Буюк халқ маж-лиси билан маъмурият ма-ҳаллий органларига 13 ок-тябрь кунини ўтказилган му-лжалланган саяловга тайёргарлик даврида қили-нди.

ТАСС мухбирининг пар-тия олий раҳбарини тақ-қид қилишини муносабати билан унинг тутган йўли тўғрисидаги

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН УЧУН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Қорақалпоғистон «Билим» нашриёти янги ўқув йили бошланғичча чиқариши режалаштирган дарсликларни ўз вақтида нашр этди. Улар Қорақалпоғистон мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда республика олий ўқув юртлири учун 42 номда турли дарсликларни босмадан чиқаришди.

Шундай қилиб, ўқув-методик адабиётлар, ўқувчи ёшлар учун турли қўлланмалар чиқаришга иттифоқда янги нашриётни ташкил этган ва кенгайтириш мақсадга мувофиқ эканлиги амалда исботланди. Мазкур нашриётни тузиш теварағида озмунча баҳолар бўлди дейсизми! Энди илгари шундай фаолият билан шуғулланган «Қорақалпоғистон» нашриёти ниҳоят ёз ойларда тўхтамасдан ишлаш, кўп йўналишдаги китобларни, биринчи навбатда бадиий адабиётларни нашрга тайёрлаш билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

ДЎҚОНГА... Ўқиш учун

Тахиятош савдо-иқтисод техникуми... спорт моллари дўқонини сотиб олди. Ана шу дўқон мазкур ўқув юрти талабаларининг амалий машғулотлар ўтказишда жойига эллади. Бу ерда ўз модага базасини яратиб ҳамда талабаларни ишлаб чиқариш амалий машғулотларини уюштириш муаммоларини ана шундай ҳал қилди.

Дўқоннинг ёнида кўпчиликнинг кўз ўнгига янги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати қад кўтармоқда. Бу ерда юқори курс ўқувчилари амалий машғулотларда қатнашадилар, ўқув юртида олган билимлари ва кўникмаларини амалда синовдан ўтказиш учун яхши имкониятга эга бўладилар.

[ЎТАГ музбири]

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БИНОКОРЛАР НИМА УЧУН ХОТИРЖАМ

Мамлакатимизда рўй берган ҳозирги иқтисодий вазиятда бу жуда ҳам учрайдиган ҳодиса бўлди: «Сурхонводстрой» бирлашмасида ҳодимларнинг маоши кўпайибгина қолмай, ижтимоий дастурларга, моддий рағбатлантиришга ажратилган маблағ ҳам кўпайди. Шундай қилиб, бирлашма меҳнаткашлари ўз келажакларидан хотиржамдилар.

Бундай барқарорликнинг бир неча сабаби бор. Бинокорларнинг юксак маҳорати, бирлашма ўзгалик ҳисобига ўтиши билан пайдо бўлган иқтисодий омилларнинг ишга тушиши ана шунларнинг энг муҳимларидир. Материал етказиб беришнинг ҳамда вилотдаги турли ҳужаликлар ва корхоналардаги буюртмачилар билан ўрнатилган мустақам алоқалар ҳам бундан ҳам аҳамиятга эга эмас. Ҳозир ҳам улар турли мелнорачи ишларидан ташқари Гагарин дон маҳсулотлари комбинатини мўлжалланган жадвалдан ўзб таъмирлашмоқдалар. Таъмирлаш ишлари тугаланиши билан корхона қуввати анча ошадди, вилот аҳолиси ун ва

бошқа маҳсулотлар билан яхшироқ таъминланади.

«ОҚ УЛТИ» МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Сурхондарёда пахта тайёрлаш мавсуми бошланди. Ангор ва Наркўрғон тайёрлов пунктларига янги ҳосилнинг дастлабки тонналари келтирилди. Ҳозирча бу ерда қўлда терилган энг олий сифатли нингча толали пахта навлари олиб келинмоқда. Бу йил қўз фаслида вилотдаги 44 та тайёрлов пункти ҳосилни қабул қилиб олади. Уларнинг қуввати режалаштирилган 430 минг тонна хом ашёни қабул қилиш ва сақлашга на эмас, колхозлар ва совхозларда қўшмачи тарзда териб олиш мўлжалланаётган пахтага ҳам етди.

Мавсумга қийин шароитда тайёрларлик қўрилди. Техниканинг эҳтиёт қисмлари, бошқа кўпгина нарсалар еттишмасди. Ҳозир, масалан, ёгин-сочилли кўнларда пахта ниҳонини қўриқиб олиш зарур бўлган эски презентларни ямаб-ясамоқда. Шундай бўлсада тайёрловчилар барча зарур нарсаларни олишга умид боғламоқдалар.

ЯШИКЛАР ЎРНИГА ПЛЕНКА

Анджон консерва завоидида консервларни иссиқлик сақлайдиган пленкага ўрочи автомат линия ишга туширилди. Уни Венгриядан сотиб олинган, лекин завод мутахассислари бу чет элдан келтирилган техникани мустақил ўрнатдилар. Бу иш белгиланган муддатдан икки баравар тез бажарилиди. Энди линия ҳар соатда 5 минг донага яқин банкини пленкага ўраши мумкин. Бу ишни эса атиги беш киши бажаради.

Авалли усулга нисбатан бу жараён кўпгина афзалликларга эга. Аввало тақчил яшикларни топиша, уларни ремонт қилишга зарурат қолмади. Бундан ташқари пленкага ўралган маҳсулотни ташши кулай, транспортга бундай маҳсулотни қўллаб жойлаштириш мумкин. Айна вақтда шунга банклар синмайди ва тозаланича қолавереди.

Энди консервалар яна бир янгиликни — этикеткалар ёпиштирадиган автомат линияни ишга тушириш учун ҳозирлик қўришмоқда.

ТЕРИМГА ШАЙ

Риштон пахтакорлари Фаргона вилотига биринчи

булиб ғўза баргини тўкишга киришдилар. Бу айни вақтда пахта терими бошланганидан дарак бергандек бўлди. Куйбишев номли колхозда техника ремонтини муддатда тугалладилар — 14 та пахта териш машинаси, кўрак териш кўсақ чувши машиналари, аравали ва юк тракторлари ишга шай қилиб қўйилди.

Бу йил ҳўжалик 1300 гектардан кўпроқ ерда пахта етиштирди. Хом ашёнинг катта қисмини — 1600 тоннага яқинини машиналарда териб олишни режалаштиришмоқда. Бунинг учун мавсум арасида механизациялашган отрядларни анча кучайтирдилар — тўртта янги агрегат сотиб олдилар. Энди ҳамма гап механик ҳайдовчиларда қолди. Дарвоқе, уларнинг ҳаммаси катта иш тақрибасига эга, ўтган йили ҳар бир механизатор ўз машинаси бункеридан камда ўз тонна хом ашё тўккан эди. Бу мавсумда ана шу натижа-ни янада яхшилашни мўлжаллашмоқда.

[ЎТАГ].

МАРГИЛОН ФАРЗАНДИ

Марғилон фарзандлари ҳамда суз кетганда ўзбек халқининг дарғаси, умри боқий Юсуфжон қизик Шакаржонов ва уларнинг сафдошлари Охунжон қизик, Сулаймон қори ва номи элга танилган бир қатор суз усталарининг ичак-узди аскиялари, латифалари сизни беҳитибёр тебратиб юборади, кўнглингиздан ноғора бир кулги отилиб чиқиб, вужудингиз энгил торганини сезмай қоласиз.

Юсуфжон қизик ҳақида қалам юритганимизда бу улғур зотининг фарзандлари, кулгу усталари Зайнобиддин ва Мадамжон акаларини эслаш ҳам қарз, ҳам фарз. Бу икки устозда оталарининг эзидан қориларингиз, фақат саҳнада эмас, ҳаётимиздаги фаолиятлари кулги шинавандаларини хушнуд этмоқда. Яна Марғилон ҳақида суз кетганда Зайнобиддин аканинг тўғича шогирдларидан бири Мамасидик Ширяев ҳақида сузламай илоҳий кўк. Мамасидик қизик Ширяевнинг исмининг устози Зайнобиддин ака ва ҳамкасб дўстларини сал қисқартириб: «Бўйингиз узун бўлганига яраша номингиз сал қисқа бўлсини Сидик қизик деб ҳам аташди. У ҳам устозининг қангича рози бўлади. Чунки қизикни устоз номдан кўра кулгу азизроқ. Шу маънода бир хотира эсим-рак тушади. Мен Мамасидик ака билан яқиндан танишим, бир маҳаллада ўсганимиз. Бир мактабда ўқиганимиз. У кишининг биш улғурроқ. Бир куни мактабда юқори синф ўқувчиларини футбол ўйнашга элди. Биз кичик болалар завок билан уларнинг ўйинини томоша қилиб ўтирдик. Шунда тепадан тушган кўптонли бир бола олағи тепиш ўрнига оғбининг орқага кўтара берилиб, жон-жаҳди билан ўйнаётган болаларнинг жаҳли чиқди, битта шериги «Эшакка ўшаб, орқа оғбин билан теп-ма» деб гулдашди. Биз эш болалар қотиб қулдик. Сўнг ўйинчиларнинг ўзлари ҳам қўлиб юборишди. «Тўғри келиб қолгандан кейин, нима қилай?» деди Мамасидик ҳазил аралаш қилиб. Шундан сўнг икки томон ўйинчиларнинг жиддийлиги йўқолиб, ўйин су-сайиб, футболчилар кулгидан бўшашиб кетганди. Тақдирини қарангиз: бугун Мамасидик қизик биринчи лигига чиққан Фарғонанинг «Нефтчи» футбол бол командасида тасвирчи тренера. Яъни, ўйинчиларимизнинг ҳар ўйиндаги ҳаракатларини видеода суратга олиб, ўйиндан сўнгги мушоҳадага

ўз ҳиссасини қўшади. Бу расмий иш. Энг асосий иш эса, қизикчилик. Футбол ўйинидаги танлашуш вақтларида минг-минглаб ишчиболалар Мамасидик қизикнинг ичак-узди латифаларидан хушнуд бўлишади. «Нефтчи» командасининг биринчи лигига чиқшида Мамасидик қизикнинг ҳам муносиб ўрни борлигиндан кулги шинавандалари ҳам хушнуд бўлишади. «Унта туҳмунинг қуввати бор битта кулгу бўлса бўлар Балки семилли «Пахтакор» командаси сафига ҳам Мамасидик қизикка ўхшаган бир одами олиш зарур бўлар. Балки, Мамасидик қизикнинг ўзини тақлиф этиш маъқулдир...»

Бу тақлифга Сидик ака «Устозларингиз Эргаш Қаримов, Хусан Шарипов турганда менга йўл бўлсин» деб унамаган бўларди балки. Лекин бу ҳам ҳазил билан айтилган келтирилик. Унинг «Ота-болалар», «Лаганбардор», «Ҳар шингил...», «Зоотехник» каби бир қатор ўзи ижод этган ҳажвий асарлари жумҳуриятимизда телевидение, радиоси орқали кулгу шинавандаларига манзур бўлди. Зайнобиддин ака, Мадамжон ака, Ориф ака билан пахта далаларида, заводларда, фабрикаларда чиқиларини эса ҳақ қарсақлар билан кутиб олмақда.

Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтишни лозим топдим: 1975 ёки 76 йиллар бўлса керак. Марғилон халқ театри ҳақида «Марғилон хандаси» номли аскиячилар тўғраги ташкил қилинди. Тўғраки Зайнобиддин ака бошқарарди. Тўғрак атрофига ўндан ортик истеъодли аскиячилар бйрлашди. Тўғракининг ташкил топшида ўзбекистон халқ артисти Гаҳар Раҳимова бошқарарди. Сўнгра «Марғилон хандаси» Тошкентга гастроля келди. Боғйедақ эсим-рак, Свердлов номли концерт залига одам сиймаг кетган. «Марғилон хандаси»нинг чиқилиши халқ интизорлиги билан кутмоқда. Саҳна очилиб, томоша бошланди. Ушанда Зайнобиддин ака, Мадамжон ака, Ориф Усмонов, Хотамбой Тожиев, Мамасидик Ширяев, Хотамжон Хузуринов ва бошқа эш аскиячи, латифачи, ҳажвичи истеъодларнинг чиқилиши қарий икки соатдан ошиб кетган эди. Ҳозирги машҳур қўшиқчи синглимиз Юлдуз Усмонова сочинини майда ўриб, дўпмо қилиб тарелкада катта-ошула айиб ҳаммининг олқишига сазовор бўлган, Ойнахон опа, Иброҳимжон Исоқовнинг дил тортар ашуалари кўнглимизга завок бағишлаган эди. Лекин, минг афсуски, «Мар-

ғилон хандаси» 2-3 йил ишлагандан сўнг тарқаб кетди. Бунга зарур ижодий шароит яратиб берилмаганлиги сабаб бўлди. «Марғилон хандаси» тиклана яхши бўларди, — дейди Сидик ака куюниб, — тўзи кетган талантларни йиғиб, халқнинг мунтазам хизматида бўларди. Ҳозир ҳаммамиз ҳар ерда...

Мамасидик аканинг куюнига нима бор. Эрта-индин ўзбекистон аскиячиларининг кўри-кўнкурси бўлади. Ҳар икки йилда ўтказиладиган бу бешлашувда иштирок этиш осон иш эмас. Гарчи Мамасидик ака бир неча бор бу кўри-кўнкурсларнинг голли деб тақдирланган бўлса ҳам... Бир томонда Кўқондан Муҳиддин Дарвешев, Йўлдошхон Носиров, Жўраҳон ака, Гибсиддин ака, Нейматжон ака каби кулги усталари турса, яна бир томонда Абдулқай Масхум, Ҳасанбой ака, Гуломжон Рўзибоев, Раҳматкул ака, ака-ука Шожалиповлар, Эркин ака, Махсум ака, Тур-сунбой ака ва бошқа суз заргарлари турса... Ҳозир сарҳисиб этлса, жумҳуриятимизда шартли маънода кулги марказлари бармоқ билан санарди. Кўқон, Марғилон, Андижон, Тошкент аскиячиларининг фаолиятини ҳисобга олмаганда бошқа вилотларда бу масалада иш суз.

«Аскиячи ва қизикчилар» ижодий уюшмаси ташкил қилинса, унинг ҳар бир вилот, шаҳарда бўлимлари фаолият юритса, халқимиз яна ҳам яхшироқ куларди. — деди Сидик ака жиддий. Бу фикрини мутасадди ўртоқлар ҳам жиддий қабул қилиб ўйлаб кўришса, яхши бўларди.

Яна Марғилон санъати ҳақида ўйлайман: Марғилон қосиблар шаҳри, қолверса шаҳар Фарғона водисининг марказида жойлашган. Ипак йўли ҳам шу шаҳардан ўтган. Шунинг учун бўлса керак Марғилоннинг номи жаҳонга маълум. Улғур Абдулла Қодирий яратган «Отбек» ва Қумушбой эса жаҳон санъати қошонисига Марғилон учун қўйилган адабий муҳаббат рамзларидир. Улғур эотларнинг ҳурмати билан жойига келтириб, халққа астойдил хизмат қилиб келадиган эш истеъодларга, шу жумладан, Юсуфжон қизик Ширяевга интизорлик қилганимиз. Марғилоннинг кулгу-иши халққа етказиб, уни бойитиб келадиган наваро қизикчи, суз устаси Мамасидик Ширяев ўз ичак-узди аскиячилик қизикчилик, латифалар билан Фарғонанинг «Нефтчи» командасини, унинг мулкларини олий лигига олиб чиқшига тилакдошимиз.

Исмаил МАҲМУД.



СУРАТДА: Оҳангарон районидagi Алишер Навоий номи давлат ҳўжалик пудратчилари (чапдан) Ш. Самандинова, Ж. Болтаев, А. Самидинов терилган меваларнинг сифатини кўздан кечиршимоқда. В. Тўраев олган сурат.

Бу йил Хоразм далаларига мезон одатидан 15—20 кун олдин тушди. — Урганч районидagi Чапаев номи жамоа ҳўжалигини вилот деҳқончилик-сааноат ҳодимларининг йилиги бўлаётган. Эрталабдан бўйи ҳавода сузиб юрган эрин бутулар бирданга қуюқлашиб, замин бағрига совуқ томчилар соқди. Этин жункиртирувчи сапқин шамол эса бошлади. Енимда ўтиргалардан бири шеригига аста шивиллади: — Баҳорги табиий офатларнинг энг сўнгисини бўлиб ўтганига бугун ронпа-роса 70 кун тўлди. — Ҳа, тўғри, аввалга эз тўқсон ўтмоғи, сўнгра мезон бошланмоғи керак эди.

Ҳамкасбларнинг қисқа сўзбати асосида деҳқон бу йил кўп нарсадан махрума этилганини илғаб олиш қийин бўлмади. Демак, табият деҳқондан аввалга баҳорини, сўнгра эса ёзини қизганди. Ҳўзи атиги 70 кун давом этган эз фаслида ким нимага улғурди!

— Урганч районидagi «Пахтакор» жамоа ҳўжалигининг Пўлат Сафоев оиласи ижтирийи ҳахтлаб берилган пудрат делалари кепте магистрал йўл ҳақисига жойлашган. Бўзанинг ўтган йили ривосини билан бу йилги янги ўрғинидаги фарқини аниқлаш имкони бўлмади. Босиш, ўтган йили бу ерларда беда ўстирилган. Аммо, мутахассислар ҳисоблаб беришди: Пўлат аканинг пудрат ерида ғўза ривосини бошқаларникидан 10—15 кун олдинда, ҳосил салмоғи ҳам қўшларникидан мўл. Ҳар тўлада ўрғина 16—18 га қўсақ тўпланган. Мохир пудратчи дэлвасининг яна бир устулик томони бор. Бу — тулланининг сон. Ҳисоб-ки-тобларга кўра райондаги ҳар бир гектар ерда ўртача 60 минг, ҳўжаликда 70 мингга яқин, П. Сафоевага бириктирилган ерларда эса 80 минг туп қўчат ўстириляпти. Август ойи бошигача тўпланган ҳосил жамоа ҳўжалиги билан ҳар гектар майдон ҳисобига 28 центнер ҳосил етказиб бериш юзасидан тузилган шертномани удаллашга иқфоя бўлади.

«Чондирқич» кишлоқ Кенгаши иқроқийнинг раисиси Курбонбег Маткаримова Пўлат Сафоевнинг қишлоқдаги энг омилидор ва меҳнатсевар ишчилардан бири сифатида таърифланди. Унинг айтишича, Пўлат ака бу йил баҳорда рўй берган табиий офатлардан сўнг ўзига бириктирилган ҳамма майдонларни кетмон ва ўроқ билан юмшатиб чиқибди, қўлтанлашловчи механизмнинг кизматидан ҳам воз кечибди, ҳатто маҳаллий ўғитини ҳам челекларда қўл билан ҳовучлаб сийгиди. Натика эса деҳқон кутгандай. Тулланининг ҳар бири ўртача 130—140 сантиметр бўй торган.

— Қаранг туллалар кўзанинг унига чиқибди, — деди ҳамроҳим, район деҳқончилик-сааноат уюшмаси раиси И. Олланазаров, — бу ўғзининг соғломлиги ва ҳосилга бойлигини дон ниҳона.

Углинжон Матназарова, Сафар Отановов, Гулхоним Эшимовага бириктирилган пайкаллар томон йўл оламан. Меҳнатқили, аммо серсамара меҳнатининг нишончалари бу ерда ҳам мана-ман деб турибди. Туллалар ҳосилга беэзолик. Дала кезиб шунга амин бўлдимики, деҳқонни далага шимжовли меҳнатга уйдатган мўжда — рўзгорни бутлаб,

ағдарилётганидан хабар топишди. Вазият билан атрофдаги танишган депутатлар жабрдий дэлари ўз паноҳи остига олишди. Масала Ювасита дала бағрида ишловчилар фойдасига ҳал бўлади. Халқ депутати сўбур-этиборини охирадиган бу каби яхши ишлар, режалар, дастурларнинг қўламини кенг, мазмунли тортди.

Исон меҳнатини қадрламоқ бўлғуси ютуқларга йўл очиб бермоқ, демокдир. — Чапаев номи жамоа ҳўжалигинида Углинжон Худойберганава бошлик бригада пудратчилари бу йил табиат хуружи оқибатида мушкул вазиятга тушиб, саросимада қолишмади. Оқдий пудратчида чиққан маҳаллий Кенгаш депутатлари: Роҳатой Юсупова ва Қизларгул Собированинг жонкуварлиги, ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги иш берди. Пахтакорлар зарур ама-

ражага эришган жамоалар Хоразмда бармоқ билан санарди. Углинжон Худойберганава бошлик бригада бугун ана шу илгорларга қарабонмош. Шу кўнларда бригадага таъриббо ўрганиш учун узок-яқиндан меҳмонлар ташриф буюришмоқда. Кўни кеча қорақалпоғистонлик пахтакорларнинг вакиллари келиб кетишди.

Меҳмонларга нима ҳақида сузлаб бераётисиз? — сураймиз пудратчи Ойнахон Екубова ва Эгам Собировадан: — Бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганимизми-да, — дейишад улар бараварига. «Аввало пахтакорларнинг ҳикосасидан маълум бўлишича, табиий офат содир бўлган ўша мезмўм кўнлари Углинжон опа ҳамминанг бир жойга тўплаб, ҳамма ва мададди бир-бирдан дериғ тузмасликига, ҳамкорликда иш юритишга дэват эттибди. Натика шу бўлибдими, қисман нобуд бўлган 144 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари ўрнига санқили кўнлар ичида қўл билан қайтадан уялаб чигит қилибди. 20 гектар майдонга эса яна бир бора саялка киритилибди. Қатор ораларни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш тадбирлари ўтказилибди. Ғўза бироз бўй олган эса парварши туллари ҳам давом эттирилибди. Натикада қатор оралар бут бўлиб, экин кунда эмас, соатда бир рангланаверибди.

Яширдиган жойи йўк: деҳқон манфаат қўрмаси далага меҳр боғлай олмайдди. Жамоа раҳбарлари, мутасаддилар бунинг яхши билишадди. Шу боис — дала меҳнатчисининг иқтимоий муҳофазаси қилиш бош вазифа дарэжасига қўтарилган. Чунончи, бу йил пудратчи ўтган йилга қараганда 45 фоиз кўп даромад куватли. Бригаданнинг ўз болавар боғчаси, 40 бош қора мол боқиллаётган фермаси, катта боғи, сазавот ва полиз пайкаллари бор. Ҳўжалик раиси О. Чўпонованинг айтишича, бу йил моддий-техника воситалари дэярли харид қилинмабди. Нарх-наво арзон бўлган ўтган йиллардаёқ улар истиқболдаги эҳтиёжлар учун керагича гамлаб қўйилган экан. Ҳўжаликда соғлиқни сақлаш, халқ таълими, йўл, ичимли сув муаммолари ҳам бир неча йил муқаддам ечим топганди.

Пахта учун деҳқон, деҳқон учун эса раҳбар шу тахлит жон куйдирар экан, турмуш албатта ғўзаллашаварида, қорнимиз нонга, эгинимиз кийимга ёлчиаварида, бозор иқтисодийти мушкуллари турмушта қўланка солламайди.

Пахта учун деҳқон, деҳқон учун эса раҳбар шу тахлит жон куйдирар экан, турмуш албатта ғўзаллашаварида, қорнимиз нонга, эгинимиз кийимга ёлчиаварида, бозор иқтисодийти мушкуллари турмушта қўланка солламайди.

Хоразм воқеаси шаҳру кишлоқларига кўп кулфатлар соғанган табиий офатлардан буён 2 ярим ой вақт ўтди. Аммо унинг оқибатлари билан олишуга ҳамон нўфта қўйилмайдди. Вилот меҳнатчилари экинларни асоратлар панжасидан наҳам-баҳадам ҳалос этмоқдалар. Ғўзанинг ўсиши июнь ойида аввалги йилнинг шу давридагидан 20—25 кун кечинибётган. Энди эса у 10—12 кундан иборат. Мутахассислар ҳосил тўплаш жарайини тезлаштиришни тасдиқлашмоқда. Демак, улкан курашнинг ибидоси бу йил ҳам баҳар, ризқ-рўз бутун бўлишидан деҳқон умидвор.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» музбири.

ЭҲТИЁЖ БЎЛГАНДАН КЕЙИН

СУРХОНДАРЕ вилот соғлиқни сақлаш бўлими ўз қўрилиш бошқармасига эга. Ҳатто районларда ҳам бошқарманинг бўлимлари мавжуд. — Тўғри, бир қарашда бошқармада қўрилиш ташкилотининг бўлиши эриш тулолади, — деди вилот соғлиқни сақлаш бўлимининг мудир М.

Холматов. — Аммо ўзингиз биласиз, қайта қўриш туфайли ҳамма ўзи билан ўзи овоза бўлиб қолди. Биров билан бировнинг иши йўқ. Шифохоналар тармоғи эса йил санини кенгайтирди. Уларни таъмирлашга ҳеч ким ердан бермайди. Шу боис биз асосан медицина муассасаларини таъмирлайдиган қўрилиш бош-

қармасини ташкил этдик. Утган етти ойда 900 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Йил охирига қадар 2 миллион сўмликдан зиёд юмушлар бажарилиши кутилмоқда. М. Холматовнинг эйтирофи эитишча, ақинда бошқарма таркибига йилга 10 миллион донна гишти фиқш таъ-

лайдиган завод Кумкўрғон районига ишга туширилади. Бундан ташқари бошқарма қишлоқда майда корхона тузилди. Унинг 3 нафар ишбилармон ҳодими ўзга ўқилардан қўрилиш ашёларини олиб келиш билан машғул бўляпти. Т. РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» музбири.

ЖАСОРАТ МАВСУМИ

ЕКИ ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ
ҚАНДАЙ ТУГАТИЛМОҚДА?

саткичидан дэярли икки баравар кўп ҳосил ва даромад беради. П. Сафоева ўшаган меҳнатсевар ва удалбурро пудратчилар эса жамоа ҳўжалигида эз эмас. Кишлоқда оддий пахтакорлар, чорвадорлар, соҳибкорларнинг ишонч ҳомия-ҳимоячилари бор. Булар халқ депутатлари. Иқроқум раисининг таъкидлашича, кишлоқда яшаб ишлаётган 42 депутатнинг 34 нафари оддий деҳқонлар, чорвадорлар, меҳнатзорлар. Демак, оддий колхозчиларнинг сафидан етиш чикан ноиблар кишлоқ Кенгашида кўпчилик овозга эга. Жамоа ҳўжалиги аъзолари кўпгина юмушларда уларга бемалол суллавасишлари мумкинлигини аллақачон илғаб олганлар.

Кенгашининг ўтган бир ярим йиллик фаолиятига дахлдор хўжатлар билан танишамиз. Деҳқон меҳнатчининг қадри қиммати, иш ва дам олиш шароитлари, хўсурий деҳқончилик, чорвачилик ва хўнарманчилик муаммолари, кишлоқда савдо-сотик, таъминот масалалари қайта-қайта кўриб чиқилибди. Аввалдан режалаштирилмай қараб чиқилган бошқа бир масала эса эгин-борилимин тортиди. Кишлоқ Кенгаши раисининг айтишича, депутатлар йил бошида жамоа ҳўжалиги учун молия-хўжалик режалари белгиланаётганида маъбуриятларнинг асосий асги оддий колхозчилар эгизмасига

лий, техникавий ва молиявий ердани етарлича ва ўз вақтида олдлар. Мевад ҳаммадан ундади. Пахтакорлар бутун эз давомида тиним билмай ишладилар. Атиги 2,5 ой давом этган «эз тўқсон» мобайнида бутун бир мавсумга мўлжалланган юмушлар бекаму-қўст адо этилди.

Бригада жамоаси табиий офат оқибатларига қарши курашнинг май ойи охирига — ғўза ривондаги кечкини бир оғза етган вазиятда бошланган эдилар. Деҳқонлар биринчи август кўнини ўзига хос буринчи дамлари сифатида нишонладилар. Экин ривондаги қолоқлик шу кунга келиб, буткул барҳам топди.

Тан олинган чўнмайлик экин ривондаги ўтган йилги да-

НАМАНГАН ХАВАРЛАРИ

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

УЧКЎРҒОНДАГИ таъмирлаш ва машинасозлик заводига пахта териш механизмлари, аппаратларини қайта сошлаш билан бирга турли хил техника воситалари ва халқ истеъмоли буюмлари тайёрланмоқда. Эндилликда корхона маҳсулотларини нафақат жумҳуриятимизда, балки иттифок, ҳатто чет элларда ҳам харидорлиқ бўлиб қолди.

СОҲИБКОРЛАР ҒАЙРАТИ

ТУРАКЎРҒОН ноҳиясидаги Ленин номи давлат ҳўжалик-заводи асосан боғ-узумчиликка иктисослаштирилган. Бу йил соҳибкорлар эз дастурхонига 7800 тонна сархил узум етказиб беришмоқчи. Бозор ва дўқонларга узум етказиб беришда Мирзакон Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари пешкадамлик қилаётдилар. Улар мавжуд 45 гектар ердаги тоқларда мўл ҳосил етиштирдилар. Р. ИРИСОВ,
«Халқ сўзи» музбири.

Ф. СП-1

СССР Аллоқа вазирлиги «Мағбу

Гулнора Раҳмонова — умидбахш мусавир. У инсон руҳининг нозик тўқиларини табиат чизиларида ифода қилади. Айни вақтда «Сидат-саломатлик» ойномасининг бош раҳбари сифатида нашининг барча бозор ишларига масъул.

Кейинги вақтларда Гулноранинг сўзловчи бўлаётган жиддийлиги инди рақибни сўзлар билан қанотланди. Унинг республика матбуотида эълон қилинган лирик шеърлари ўз ўнгирига эришди.

Серкўра индустриал бундан ўзининг қалдирғоч ҳисовларидан бирини «Халқ сўзининг нозикат муштарийлари ҳисовига йўлламоқда». «Пулниқ қадри» сарлаҳали бу асар инсоннинг қилб мулки бўлиши маънавий бисот шайига битилган алёр-дир.

Хамма вазириликка — ойноманинг сўзловчи мусавирини муҳомамага келтириш, ишончада наватчилик қилиш баҳонаси билан бу йилдан кутулни қолган Раҳноғина ўз тинчидан ўзи лавозимини, дераза ортидаги маънос ва гузал куз манзарасини томоша қилганча ҳаёл суриб ўтирар эди.

Бирдан жиририлган телефон уни чўчишти юборди. Раҳно бошмақона ходимларидан бирортаси бўлса керак, деган тахминда дастакни эринибгина кўтарди.

— Лаббай!
— Алё, Раҳно керагиди...
— Эшитман...
— Узингисан, қалайсир!
Нотаниш кишининг сөнсираси Раҳнога оғир ботди. Е аксимикан, шахарга келган, телефонда овозини танимайптими Раҳно шундай тахминлар билан «Аха, салом-алайкум, Сизмисиз!» — деди.

— Йў-ў, мен Шуҳратман...
— Қайси Шуҳрат?
— Уша-де!
— АТ...

ПУЛНИНГ ҚАДРИ



ичида тантана қилди Раҳно. Юз йил ўтиб кетсин, Раҳно йўқламаган бўларди! Бироқ сўнги пайтда дераза ҳар кун уни тушида кўрар, бу тушларни нимага йўқлигини ҳам билмас, йўқлиғи деб мутлақо ҳаёлига ҳам келтирмас, бу юракўрар тунги азоблардан зада ҳам бўлиб қолган эди. Энди эса — кўнгирик...

— Редакцияларга борса бўладими, қавдага ўзи?
— Бўлади. Борса келмасда эмасин.

вомида, эҳтимол, минг-миллион марта эсланган, ҳозир ҳам меҳмони, қалай бурнининг бир терлатидими, деб юборадигандай туюлди. Унинг аҳолини кузатиб турган бир жуфт мусавир кўз, илло, бунинг ҳаммасини кўрди, демакки, Раҳнонинг бурнини терлатган дақиқаларини ҳам эслади.

Тиззаларини бир-бирига жуфтлаб, қўлидаги алпақанди қогозини йўқ бўлиб кетгандай даражада қайта-қайта буқлаганича ўтирган Шуҳрат ҳечқиси йўқ, қабилда нимедир деди. Бироқ нима деганини Раҳно англамади. Шуҳрат хонага кириб ўтиргандан бундан ҳали Раҳно тўғрилаб чиқиб кетган тасавирга гап орасида тез-тез қарар, жим бўлишса, ўша суратга тикиларди.

— Қанон ишлагансан, — сўради Шуҳрат.
— Уч-тўрт йил бўлди, — жавоб берди Раҳно.
— Яқинда ишлаганга ўхшайди. Яқин экан, яқин чизадиган бўлиб кетибсан.
Яқин экан! Раҳно бирдан бўёқларга тўла кутисини елкасига осиб, ҳайратдан антикиб, куз, ёз, баҳар манзараларини ишлаб юрган пайтларини кўз олдига келтирди.

Раҳно иншонаси вақтинча жойлашган бинони қандай топиш мумкинлигини тушунириб беролмади. Шу кўчадаги Шуҳрат билан биргача кооператив тиш довлалаш шифохонаси ёнида учрашмоқчи бўлишди.

Раҳно Шуҳратнинг қиёфасини унутиб юборган эканми ё унинг кўнгилидаги Шуҳрат бошқачакидан, ҳар қалай, йўл четидидаги тавир тўсиққа суяниб турган ягона одам — Шуҳратини танимай, ёнидан ўтиб кетганга қаршисидан келаятганларга синчков Боқарди.

— Раҳно!
У ортига ўтирилади. Шуҳрат кўларини чўнтағидан олмади. Раҳно ҳам қўл узатмай саломлашди. Лекин шу тобора қиз Шуҳратнинг ўша азиз кўларини бир дақиқа бўлса ҳам ўз қафтида ҳис қилгиси келди. Шуҳрат Раҳнога, Раҳно эса ерга қараганча тураверди. Раҳно ўзининг терлаб кетганини, юрагининг зарбидан бўғзи тикилиб кетганини сезди, нафаси сиқилди.

Факат маъсул котиб тўғри келиб хонага кирди. Саломлашиб Раҳнонинг қаршисига — ўз ўрнига ўтирди.
— Хуш келибсиз, меҳмон, — деди Шуҳратга қараб.
— Институтда бирга ўқиганмиз, исмларини...
Раҳно учун Шуҳратнинг исми аллақачон кўнгили тубиди бир некин бойчечакка айланган, агар уни бирор ерда айтиб юборса, шу нафис гул заха ейдиган туюлар, кўнпинча деразаларда тенгдошларини ичидан энг яқини расмон ким, деб сўралса, унинг исми дилдан ёқилганлар, кўз олдида худди олис болаликча кўрган, бироқ тақдор ҳеч қаварда кўролмаган фильмдек, унинг қатор рангинг асарлари келар, сонитириб, ўқитиб ўтар, тилига эса шу кўнгили ҳар хил иттифоқ ва чет эл кўргазмаларига қатнашганда, асарларини катта пулларга сотаётган, бирор бир пул унвон олган ёки муқофотланган, жамоатчилик ўрғасида расман тан олинган таншлари номини олар. Улар ижодининг асосини бир-бирдан фарқини ҳам тушунирарди. Раҳно — Шуҳратнинг исмининг ҳеч қачон шунчаки айтиб юбора олмас, бироқ унинг чуқур, ўйчан оёқийиш рангли асарларини ким ўзидега сурат чизадигани қаторига ҳам қўшиб юбора олмас эди. У доимо кўнгилида Шуҳратнинг асарларига танасини руҳ, таъбир жоз бўлса, жон тарк этмаган то-машабиллар тиларди.

— Кечирасан, мен узок туролмайман, — дедию, хайрлашини ҳам, юр ишончага дейишни ҳам билмай иккиланган, кўнгилидан қўриб кетиб қолади, деган хавотир кечди.
— Редакцияларни кўрсатмайсанми!
Раҳно унинг овози бир оз хирқирок, бироқ жуда ширалди эканини аввалгидай энтикиб ҳис қилди. Гапир, нима десанг ҳам майли. Фақат жим турма, илтимос, дегиси келди. Қадам ташлашларига монанд Раҳнонинг кўнгилидаги тала тўп ҳам соқинлашди. Икки қаватли шина бино Шуҳратга жуда ёқди. Хонага киришгач, Раҳно меҳмонини диванга ўтиришга таклиф қилиб, ўзи ёнига хоч аломати ва ярим ой сурати

— Бу кишини илгари кўрмаган эканман-а? — деди табиатан мулойим, очик чехра, қирқ йаша кириб ҳам гузаллигини йўқотмаган Муҳаммад опа.
— Ҳа, энди келиб турадилар, — Раҳнонинг жавобиде ахборотдан кўра илминг, илтижо кўпроқ эди.
— Мана бу тасвири менга бер десам, унамайти. Яқин манзара экан, — деди Шуҳрат Раҳнонинг жавобига эйти-

Бир кўнгирик қилувдим, бетоб дейишди...
Раҳнонинг ҳаёлидан операциядан чиққан кўни ўтиди. Тун Оғрик аралаш таш келди. Устига чопонини ёлганмиш... Яна, шунча ижара уйларида яшиб, турмуш кўриб, фарзанд кўриб ҳам, кўзи қийиб ташлаб юборолмаган, ҳозир ҳам ётиганда тўнба устида турган севимли йигит орозидан кўра кўпроқ илк муҳаббат тимсоли бўлиб қолган, йўқлигини, Раҳно ётигандаги оддий буюмларнинг бирига айланган Шуҳратнинг автопортрети гуа жо-ида жилиб, унга катта-катта кўзлар билан гапим боққанмиш, сочларини силанганмиш... Оғрик кучайган сайин сурат — Шуҳрат унга меҳрибонлик қилар, Раҳно илгари аралаш «Шуҳрат, сеннинг келишингни билардим. Келдингми, энди кетсан» — деб, кўзларидан оққан ёш ширфта қараб ётгани учун юзининг иккала томондан оқиб бориб кўлоқларига қўйиларди...
...Наҳотки уйлаган бўлса, наҳот сени эслаётган одам тушга кириши рост бўлса? — Раҳно бу ақин йиллар домида Шуҳратнинг на оиласи, на ҳаёти, на ижоди ҳақида бирор гап эшитган, ўзининг узокдан бўлса-да, кўрмаган эди.

— Бу кишини илгари кўрмаган эканман-а? — деди табиатан мулойим, очик чехра, қирқ йаша кириб ҳам гузаллигини йўқотмаган Муҳаммад опа.
— Ҳа, энди келиб турадилар, — Раҳнонинг жавобиде ахборотдан кўра илминг, илтижо кўпроқ эди.
— Мана бу тасвири менга бер десам, унамайти. Яқин манзара экан, — деди Шуҳрат Раҳнонинг жавобига эйти-

Сабри ўн йилга етибди-де,

бор қилмай.
— Шунча меҳнат қилиб, индямасдан бериб юбораведиларми. Сотиб олинг, қадри бўлади. — Ҳазиллашган бўлди Мукаррама опа.
— Сотасанми? Қанчага?
— Минг сўм, — деди Раҳно кўлиб. Чунки Раҳно бундан бошқа баҳога сурат сотиб кўрмаган, олийгоҳини тамомлаб то турмушга чиққунча беш-олти асарини Маданият вазирилик, адабиёт музейи сотиб олган; ўшанда негадир кўпична тасвирига битта баҳо — минг сўм қўйилар эди. Эҳтимол, фақат етишму юз, саксон юз см катталикдаги матолар бўлгани учунми, ким биласди.
Раҳно беш минг, ўн минг дейишга ўрганмасдан бошига рўзгор ташвиши тушган шундан бун кўп сувар оқиб ўтган бўлса ҳам, тили минг сўмга яқин келар эди.
Шуҳрат баъзи олимбта йиғилардек ён чўнтағидан портмоне чиқарди. Шимининг орқа чўнтағидан газета бўлагига ўралган анчагина пул чиқариб, ўта юз сўмликни Раҳнонинг столи четига қўйди.
— Бадавлат бўлиб кетганингдан хабарим йўқ. Билганимда тузукроқ нарх айтardım, — ҳазиллашди Раҳно.
— Унчалик эмас, кечки кўргазмадан бир туркум ишим давлат музейига олинбиди, шу...
— Раҳнохон, Мукаррама-хон, Шариф ака! Ҳамма мени хонамга йиғилсин, гап бор, — қиқирди хонасидан туриб муҳаррир ўринбосари Ташмамаат ака.
Мукаррама опа кула-кула шунча, бизнинг олдимида келганлар аjoyиб асарлар сотиб олади, бой бўлиб кетади, деб бошмақонанинг икки метрдан ортиқроқ каттақон оқи қозоғига Раҳно чизган суратни ўраб Шуҳратга берди. Раҳно аллақандай ярим соат ичида содир бўлган воқеани идрок қилолмай, гарангисиб, Шуҳрат берган пулларга боқар, фақат, шафқ устида манзарани йўқлигию, қўлида турган юзталикларига Шуҳратнинг уни йўқлаб келиб-кетганига гувоҳ эди.
Эртаси кўни ишга келиб эшитган илк гап шун бўлди: «Эйлик, юз сўмликлар сининди!»
Ҳамма Раҳноларнинг хонасида уйималашар, барчининг кўзи кассир тўзётган рўйхатда аёлнинг чап томониди пуллар дастаси ўсар, суҳбат хизмат машиналари қаёқдаги банкларга юборилса, нават тез келиши ҳақида борар эди.



Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назоратининг инспектори, милиция сержанти Ахрор Иброҳимов кўча ва йўлларда тартиб ўрнатганда самарали хизмат қилиб келмоқда. Суратда: А. Иброҳимов ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда. Умарали ҚўШВОҚОВ олган сурат.

Миллий кураш ЁШЛИҚДА БЕРГАН КЎНГИЛ

Тўрт кун (29 август — 1 сентябрь) мобайнида Тошкент вилоятидаги Пискент шаҳри маданият ва истироҳат боғи жуда гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ва Урта Осиё бошқа республикалари полвонларининг II фестивали ўтказилди. Миллий курашнинг Фарғона усули бўйича 30 спортчи, томошабинлар орасидан эса 20 нафар ҳаваскор соврилли ўринлар учун беллашдилар.

Айтиб ўтиш керакки, фестивалга ҳар томонлама пухта тайёрлик қўрилган эди. Навоий номи, «Ўзбекистон 50 йиллиги», Калинин номи, Тельман номи жамоа кўча-

ликлари, «Ўзбекистон», «Партия XXVI съезди» давлат пул-жонлиқлари совринлар ва пул муқофолари тасвир эдилар. Ниҳоят, мусобақа якуланиб, голиблар эълон қилинди. Совринлар ўз ағаларни қўлига тегади. Фарғона вилояти Боғдод районидан келган полвон Аҳмад Тўрақуллов биринчи, Андижон вилоятининг Олтинқул районидан Равшан Исоқов иккинчи, мезбонлар вақили — пскентлик Шавкат Турсуматов учинчи ўринларни эгаллашди. Томошабинлар орасидан қатнашиб голиб чиққан 67 шаҳр — Нурриддин Маликов махсус соврин (қўй) билан тақдирланди. У ёшли-

гда машҳур полвон эди. Бундан эса кураш майдонига яқинлашганда ғайрати жўшиб, талабгорлар билан бел олиша кетди.

Бўлиб ўтган мусобақалар миллий курашнинг бу турига қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатди. Беллашуларни ҳар кун уч мингдан зиёд киши томоша қилди.

Мана энди қал Сирдарё вилоятининг Оқолтин районига келди. Бу ерда миллий кураш бўйича Ўзбекистон мутлақ биринчилиги мусобақалари бошланди. 8 сентябрь кўни совриндорлар маълум бўлади.

Х. МИРҲОДИЕВ.

ҲАР БИР КИШИ ВА ҲАММА УЧУН

Термиз шаҳрида Ўзбекистон жанубидаги энг катта спорт-соғломлаштириш маркази очилди. У ўзининг дастлабки муҳлисларини қабул қилиб олди.

Марказда бир неча спорт зали, мергалик тирини, кинотеатр, видеосалон, спорт мажлаҳи ўтказилган зал бор. Бу ерда бир вақтинг ўзини да мингга яқин киши спорт билан шугулланиши, маданий хордиқ чиқариши мумкин. Марказга мактабларнинг ўқувчилари, олий ўқув юрталарини талабалари ҳаммадан ҳам кўпроқ келишлари табиий.

Спорт-соғломлаштириш марказини 165-трест жамоаси белгиланган муддатда қуриб берди. (ЎЗАТГ).

Акс-садо

ТЎЛА МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

«ЖАРЛИК» мақоласини биз, бир гуруҳ фехрийлар ёшлар иштирокида ўқиб, тўла маъқулладик ва чиндан ҳам ҳо-зир авж олиб кетган жини-атчиликни маъжуд қонуларимиз билан йўқ қилиб бўладик, деган қероғга келдик. Негаки, осийишталик поёбонлар қанча қўпайса, жини-атчилар ҳам шунча ортмоқда.

Бизнингча, бир қатор шарқ мамлакатларининг тажрибасига суяниб, бемалол «Жарлик» муаллифи тақлиф қилган «жазо чораларини қўллан-ишга ўтвөршиш керак...»

Шундай экан, фурсатни бой бермай отни тезроқ қамчи-лаш керак. Агар кўпчилик бирлашса, давлатимиз халқ хоҳиш-иродасини инробатга олса, жини-атчилар йўлига мустаҳкам ғов ўрнатилди. Ахир, халқимиз кўпдан қўнб қутулмас, деб бекорга айтмаган-ку!

М. ҚЎШВОҚОВ,
Қўрғонтепа райониди,
«Ойим» совхозини.

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

«ХАЛҚ СЎЗИ» рўномасининг 8 июнь сониде эълон қилинган Муродхон Калонхоннинг «Жарлик» мақоласини ҳажжону қониқиш билан ўқиб чиқдик. Унда халқимизнинг дилдаги гаплар ўртага ташланган. Мақоланинг Ўзбекистон Олий Кенгаши муқомамасига ҳавола этилиши ҳам айни муддао бўлган.

Биз маҳалламиз фуқаролари уни муқомама этиб, тўла маъқулладик ва бу ҳақида УНМИНГ кишилик аҳолимиз номидан тахририятга хат ёздик. Лекин кузатишимизча шундай ҳаётини, долзарб мавзудаги мақолага жумхуриятимизнинг кўпчилик илтиёти ва ноҳияларининг фуқаролари лоқайд муносабатде бўлишадиганга ўхшайди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» рўномасининг 8 июнь сониде эълон қилинган Муродхон Калонхоннинг «Жарлик» мақоласини ҳажжону қониқиш билан ўқиб чиқдик. Унда халқимизнинг дилдаги гаплар ўртага ташланган. Мақоланинг Ўзбекистон Олий Кенгаши муқомамасига ҳавола этилиши ҳам айни муддао бўлган.

КЎПДАН ҚЎЕН ҚОЧИБ ҚУТУЛМАС

МУҲОКАМА учун тавсия этилган «Жарлик» мақоласини ўқиб, гоёт таъсирландим. Дарҳақиқат, кейинги йилларда жини-атчилик қандаб бўлмас даражада авж олиб кетди. Энди бу ҳақида жиддийроқ ўйланмаса, жезо чоралари кучайтирилмаса бўлмайди!

Муаллиф жини-атчиларга жазони кучайтириш, бу соҳадаги қадимий аъёналаримизни тиклаш ҳақида референдум ўтказишни таклиф қилибди. Менимча, ортиқча сарф харажат, қорғозбозлик қилиб юрмай, кўзда тутилган жезо чораларини қонулаштираве-риш керак. Негаки умумхалқ муқоамаси ўтказилди, бир қорроғга келинганга қадар жини-атчилар яна қанчадан-қанча одамнинг бошига етишадиди, ҳаётига зомин бўлишадиди. Масалан, бизнинг кичкинагина қишлоғимизнинг ўзида кейинги уч ой ичиде жини-атчилар бир одамни отиб ташлашди, иккинчисини пичоқлашди.

Бизнингча, «Жарлик» тақлиф этилган жезо чоралари қўлланилмас экан, ўғрино кишилар янада болалаб кетаверади. Оқибатда аҳолининг осийишталиги бутунлай йўқолади. Шунинг учун ҳам биз жумхуриятимиз фуқароларига мурожаат этиб, «Жарлик» мақоласини кенгроқ муқоамага етишга, у ҳақда фикр-мулоҳазаларини рўномага ёзиб юборишга, лоқайд бўлмасликка қақиримиз.

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 30-маҳалла кўмитаси раисининг муовини;
А. САДРИДДИНОВ,
Улуғ Ватан уруши ногирони, шахсий нафақахўр;
Р. АБДУЛЛАЕВ,
нафақахўр.

ХАЙРЛИ ИШ

Бўстонликда қоракалпоқ болалари учун оромгоҳ қурилиши мўлжалланмоқда. Бу ерда мухтор жумхурият ўғил-қизлари ёғи таътиллариини ўтказадилар. Гушанинг мусавффо ҳавоси, тиниқ сув ва яшил ўрмонзорлари Орол фожисидан дардманд бўлиб қолган келажак авлод саломатлигини тинлашда муҳим омил бўлади.

— Ҳозир барча инсоф-диёнати одамлар, ҳатто чет элликлар Орол бўйидаги жабрдийда аҳолига ёрдам қўлини чўзавтир, — дейди халқ депутатлари Бўстонлик район совети раиси, Ўзбекистон халқ депутати А. Йўлчиев, — ана шундай пайтда биз четда турсак уят бўлар. Қоракалпоқ болаларини бағримизга олиш ташаббуси район аҳолиси томонидан қизгин маъқулланди. Яқинда мухтор жумхурият вакиллари келиб, бўлажак оромгоҳ ўрнини кўриб кеттишди. Тез орада амалий ишга ўтилади.

Ҳозирги мурাকাб, асабий вазиятде кичкинагина хайри иш, саъй-ҳаракатдан кўнги-ллар тоғдек кўтарилади. Эзгу ишлар кўпайгани маъқул. Оламни фақат яхшилик сақлаб қолади, шунини унут-майлик.

А. РАҲИМОВ.

ЎРНАТҚАН МУШТАРИЙЛАРИ ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛГАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмиёлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмиёлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида қвнтанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАРИ

Рўнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хагосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.

Тахрир қайлати: А. А. АБДУЛЛОВ, Ф. Я. АБДУРАХИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ГУЛОМОВА, С. С. ГҲЛОМОВ, Э. И. ЕСЕНБЕКОВ, А. И. КОВАЛЕВ [масъул котиб], Л. П. ҚАЙМОВ, Тоҳир МАЛЛИМ, М. МУХАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУХИДДИНОВ [масъул котиб], Т. Э. НАЗАРОВ [бош муҳаррир ўринбосари], Э. Қ. НОРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК [бош муҳаррир ўринбосари], Т. Р. ПИДАЕВ, М. РҲЗИМатов, О. Р. САИДОВ [бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари], В. Н. СИГДИН, Ш. ТЕМУРОВ.